БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 14 (4113).
17 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сифат ва самарадорлик—шиоримиз

БИРИНЧИ КАТЕГОРИЯДА

БУГУН

Ўзбекистон ССР йўл қурилиши ва эксплуатацияси министрлиги, Ўзбекистон ССР «Госстройи» ҳамда СССР «Госстандарти» Ўзбекистон стандартлаш ва метеорология маркази аттестация комиссияси Қўйлиқдаги экспериментал темирбетон кўприк конструкциялари заводининг ўнга яқин буюмини сифатнинг биринчи категориясига аттестациядан ўтказди. Бу буюмлар орасида йўл белгилари, темирбетон устунлар, «Б—13», «Б — 15», «Б—17», «Б— 48», «Б— 50», «Б — 95» маркали турли диаметрдаги қувурлар, «П — 18» маркали ички ғовак плита, йўл ғовлари бор. Буюртмачилар ҳам бу буюмларнинг юксак сифатли эканлигини таъкидлашяпти.

Булардан ташқари Поп ва Каттақўрғон асфальт-бетон заводларининг асфальт қоришмалари, қум ва шағаллари ҳам сифатнинг биринчи категориясига аттестациядан ўтказилди. Бу маҳсулотларнинг сифати созлиги республикамизда юқори сифатли кўприклар ва йўллар қуриш имконини беради.

М. ФЕЛЬДМАН,
«Оргтехдорстр о й» трести инженери.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

НАМУНАЛИ АГИТПУНКТ

Собир Раҳимов районидаги С. М. Будённий номли 111-мактаб биносига 33/42-сайлов участкаси жойлашган. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловларга яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Агитпунктга шу мактаб директори Гофир ғаҚорабоев мудирлик қиляпти.

— Сайлов участкамизда ўқитувчилардан 45 киши агитаторлик қилияпти, — дейди агитпункт мудири. — Ҳамма агитаторлар иш планлари асосида Форобий, Сағбон кўчаларида; «Чаманнор», «Муҳокама», «Кўкзор» проездларида истиқомат қиладиган 1797 сайловчи билан Советларга сайловлар ҳақида, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида, совет сайлов системаси ҳақида суҳбатлар ўтказишяпти.

Агитаторлардан Мария Мушеева, Гулчеҳра Акбарова, Матлуба Аъзамова, Каромат Шамсутдинова, Муборак Отаханова, Турсуной Раҳимова «Сайловчилар овози» деворий газетасини тайёрлайдилар. Деворий газетани тайёрлашда, агитпунктни ва Ленин ҳонасини кўргазмали воситалар билан жиҳозлашда агитпункт мудирининг ўринбосари, мактаб илмий бўлими мудири Шукур ака Усмонов яқиндан ёрдам бериб келяпти. Агитпунктда навбатчилик яхши йўлга қўйилган. Юрист бурчаги ишлаб турибди, телевизор, радиоприёмник мавжуд. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда савол-жавоб кечалари, лекциялар ўтказилмоқда.

Сайловолди тайёргарлик кунлари қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу планга кўра район ижроия комитети раҳбарларининг сайловдан сайловгача районда юз берган ўзгаришлар ва райониинг истиқболлари ҳақидаги суҳбатлари, юристлар группасининг «Совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари», «Совет Конституцияси— буюк бахтномамиз» каби мавзулардаги лекциялари, «Совет сайлов системаси жаҳонда энг демократик сайлов системасидир» мавзуида савол-жавоб кечасини ўтказишга пухта ҳозирлик кўриляпти.

Район маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари сайловлар куни ва сайловолди кунлари концерт программаси билан чиқишга тайёрланишяпти.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

ТЕЖАМКОРЛИККА ЭРИШИБ

Шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш трестига қарашли 2515-автоколонна корхонасининг коллективи зарбдор йилни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлади. Планга қўшимча равишда 20 минг тоннадан зиёд халқ хўжалик юклари манзилга етказиб берилди.

Илғор корхона коллективи ўртасида тежамкорлик юришига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир ҳайдовчи белгиланган нормадаги бензиндан 3 процентини тежаб қолиш — автоколонна шоферлари ўртасида шиор бўлиб қолган. Ўтган йили корхонанинг ҳайдовчилари томонидан 47 минг литр бензин тежалди. Шунингдек, 33 комплект автомобиль резиналари, 15 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тежалди. Булар— «ЗИЛ — 130» маркали юк автомашиналарига ишлатилади.

— КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб бераётган коллективимиз аъзолари, — дейди корхона директори Ф. Г. Пятигорский, — беш йиллик шахсий топшириқларини, тўрт ойлик ишлаб чиқариш планини ана шу шонли санага бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбурият олмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақанинг олдинги сафида ҳайдовчилардан Б. Нуъмонов, Ю. Н. Вольков, Х. М. Пўлдошев, В. К. Бабич ва бошқалар бормоқдалар.

«Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида машаққатли меҳнат талаб қилувчи иш жараёнлари тобора механизациялашиб боряпти.

СУРАТДА: тўқиш-йигириш цехидаги янги ўрнатилган тўқиш дастгоҳлари комплекси. Дастгоҳлар ишини ёш тўқувчи Муяссар Жалилова бошқараяпти.

Дастлабки минг тонна

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг Г. А. Пак бошчилик қилаётган пўлат қуйиш цехи коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборди. Пўлат қуювчилар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор меҳнат билан бошлашди. Цехнинг М. Миродилов, Н. Герман, А. Баранов, В. Рудин каби ишчилари кунлик нормаларини 140— 150 процентга етказиб адо этиб, сменада 115 — 120 тоннадан ортиқ сифатли пўлат ишлаб чиқаришмоқда.

Аҳил коллектив январь ойининг ўтган кунларида 1080 тоннадан зиёд сифатли маҳсулот тайёрлади. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу ерда 2ТЭ-10Л тепловозининг шестерняси ва бошқа кўплаб турли хилдаги запас қисмлари ишлаб чиқариляпти.

У. МУҲАМЕДОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Луначарское шоссесида яна бир замонавий мактаб биноси қад кўтармоқда. Уни Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 22-қурилиш бошқармасининг Владимир Воронов бошлиқ бригадаси барпо этаётир. Бу бригада қурувчилари шаҳримизнинг турли мавзеларида кўплаб мактаб бинолари қуриб, бу соҳада катта тажриба тўплашган.

— Тошкентлик барча бинокорлар каби коллективимиз аъзолари ҳам В. И. Ленин туғилган кунни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишмоқчи,— дейди бригадир В. Воронов.— Ишлаб чиқаришга янги иш усуллари ва методларини жорий этиш, иш вақтидан ва машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланиш орқали беш йиллик планни шу йил 22 апрелгача адо этишга сўз бердик.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ЭКСПОРТ КЎПАЯДИ

Пойтахтимиз д а г и «Компрессор» заводи ўтган йили жаҳон мамлакатларига 200 тадан ортиқ компрессор машиналари экспорт қилди. Корхона маҳсулоти Жазоирда ва Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда намойиш этилди. Бу йил компрессор машиналарини экспорт қилиш янада кўпаяди.

БУГУН

корхона коллективи Мўғулистон Халқ республикасининг буюртмасини бажаришга киришди. Дўст мамлакатга 9 та компрессор машинаси юборилди.

Завод меҳнат аҳли Мўғулистондан шу йил 24 та машина тайёрлаб бериш учун буюртма олган. Коллектив ана шу буюртмани январь ойининг ўзида тўла бажариш учун барча имкониятларини ишга соляпти.

● *Диққат, янгилик!*

ЧИҚИНДИДАН БИНОКОРЛИК БУЮМИ

«Оргтехстройматериали» махсус конструкторлик-технология бюросининг янги бинокорлик материаллари бўлими мутахассислари бир неча йўналишда изланишлар олиб боришяпти. Жумладан, коллектив қурилиш саноати чиқиндиларидан қайта фойдаланиш йўлларини қидирляпти.

Яқинда ана шундай изланишларидан бири муваффақиятли якунланди. Мутахассислардан Р. Мирахмедов ва В. И. Лукянов бўлим бошлиғи Т. С. Юсупов раҳбарлигида корго тўқималар деб аталувчи чиқиндидан янги бинокорлик материали — кордот кошинлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишди.

Янгилик юксак иқтисодий самара беришидан ташқари, минглаб тонна чиқиндиларни қайта ишлаш ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш имконини беради.

Бизнинг интервью

ПАРВОЗГА ЧОРЛАЙДИ

Ўнинчи беш йилликда мамлакатимиз авиаторлари 555 миллион пассажирга хизмат кўрсатишади, 14 миллион тоннадан ортиқ почта ва халқ хўжалиги юкларини ташиб беришади.

Узоқ манзилларга самолётда боришни истаган ҳамшаҳарларимизга қандай қулайликлар яратилган? Пассажирларга хизмат кўрсатишда янгиликлар борми? Мухбиримиз ана шу саволлар билан Узбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг ҳаво йўллари марказий агентлиги бошлиғи А. А. Дадаянга мурожаат этди.

— Ҳаво транспортининг афзалликлари эндиликда барчага аён, — дейди Артём Александрович. —Шу боисдан ҳам Аэрофлот хизматидан фойдаланаётган пассажирлар сони йил сайин ортиб боряпти. Уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида республикамизда ҳам бир қанча ишлар қилинди. Айниқса, бундан беш йил илгари Узбекистон Граждан авиациясининг ҳаво йўллари марказий агентлиги ташкил этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Марказий агентлик Тошкент шаҳар агентлиги базасида ташкил топди. Бизнинг бош вазифамиз самолётлардан самарали фойдаланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш-дир. Пассажирларга билет сотиш, олдиндан брон бўйича буюртма қабул қилиш, транзит бўйича хизмат кўрсатиш кейинги пайтларда бир мунча яхшиланди. Ўтган йили Тошкент аэропорти 3 миллион 60 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатди. Бундан 700 мингдан кўпроғи транзит пассажирлар бўлиб, бу мамлакатимиз аэропортлари ўртасидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Коллективимиз пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини тобора яхшилаяпти. Буни кейинги йилларда йўловчилардан тушган шикоятларнинг кескин камайганлигидан ҳам билса бўлади. Яъни, кейинги уч йилда шикоятлар сони 45 процент камайди. Бунга аэропорт билан яқин алоқада бўлиб, айрим масалаларни биргаликда бартараф этилганлиги туфайли эришилди.

Биз пассажирлар талаби ва истакларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мақсадида оператив группа ташкил этдик. Группанинг вазифаси турли йўналишлар бўйича пассажирлар оқимини ўрганиш ва керак бўлган тақдирда самолётлар учиш жадвалига тузатиш киритиб боришдир. Январь ойининг ўзида ана шу йўл билан Симферополь ва Краснодарга қўшимча рейслар ташкил этилди. Ҳозир Тошкент — Ворошиловград — Львов рейси ҳам очилган. Эндиликда самарқандликлар Ленинградга ўз аэропортларидан учиб кетиш имкониятига эга бўлишди. Яқин кунларда Қарши — Ленинград маршрути очилади.

Ўтган йили ташкил этилган қайтиб келиш учун билет сотиш хизмати йўловчиларга айниқса, қулайлик туғдирди. Биз ҳозир мамлакатимиз ҳаво йўлларининг 38 та агентлиги билан қайта брон қилиш бўйича ҳамкорлик қиляпмиз. Шу ўринда транзит пассажирларга хизмат кўрсатишнинг янги усули ҳақида ҳам айтиб ўтишни истайман. Илгари бирорта аэропортга бориб тушган пассажирлар шу заҳоти транзит билетини регистрация қилиши шарт бўлса, эндиликда ўз йўналиши бўйича учиб кетишдан бир соат олдин регистрацияга келиши мумкин. Шу жойда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. «Россия» меҳмонхонаси рўпарасидаги марказий агентлигимизнинг кассалар залида автомат «Сирена» системаси ўрнатилган. Пассажир ана шу автомат орқали қайта билет учун буюртма бериши мумкин. Автомат бехато ишлайди ва бронлаш бир неча секундда амалга оширилади. Автомат оддий бўлиб, ундан ҳамма бемалол фойдаланиши мумкин. Бироқ кўпчилик уни четлаб ўтади. Ана шундай кишилар бирор шаҳарга боргач, қайтиб келиш учун соатлаб касса олдида навбат кутиб турганлан кўра беминнат автомат хизматидан фойдаланишса бўлмасмикан?

Ҳамшаҳарларим и з н и келгусида қандай янгиликлар бўлиши ҳам қизиқтиради, албатта. Шу кунларда Тошкент аэровокзалининг иккинчи қавати қайта жиҳозланяпти. Бу ерда янги олдиндан билет сотиш кассаси очилади. Шунингдек, реклама бурчаги ташкил этилади. Ёз ойларида марказий агентлик қошида курорт шаҳарларга борувчилар учун алоҳида касса ишлайди.

М. МУРОДОВ.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш республикамизда баланд сиёсий руҳ билан ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда давом этмоқда.

Тошкентда республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб «Главташкентстрой» 4-қурилиш трести гишт терувчиси **Мария Андреевна Колпакова**, Политехника институтининг студенти **Гулнора Маҳкамовна Исроилова**, В. И. Ленин номли Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Тошмуҳаммад Алиевич Сариқсоқов**, Давлат медицина институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Ўктам Орипович Орипов**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-лейтенант **Илья Филиппович Пономаренко.**

(ЎзТАГ).

ЛЕКТОРЛАР САФАРИ

Бир группа тошкентлик лекторлар республикамиз н и н г турли областларига жўнаб кетишди. Улар орасида маданият, алоқа, қишлоқ хўжалиги, автомобиль-йўл институтлари ва бошқа олий ўқув юртларининг олимлари, ўқитувчилари бор. Улар агитпунктлар, сайловчилар клубларида бўлиб, совет сайлов системаси, мамлакатим и з н и н г тинчликсевар доно сиёсати ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқишади. Советларга сайловларга бағишланган суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш кўзда тутилган. Тошкентлик лекторлар агитаторларга методик ёрдам ҳам кўрсатишади.

ҚУВВАТГА-ҚУВВАТ ҚЎШИЛДИ

Куни-неча шаҳримизни иссиқлик қуввати ва иссиқ сув билан таъмин этиб келаётган «Район қозонхоналари» корхонасининг қувватига яна қувват қўшилди. Шаҳримизнинг кенжа массивларидан бири — Қорасув дахасида истиқомат қилувчи меҳнаткашлар наналари асосида «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли «Ташэнергострой» махсус қурилиш бошқармаси ва унинг ёрдамчи пудратчи корхоналари азаматлари куч-ғайратлари билан улкан қозонхона қурилмаси бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди. Соатига юз гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги қозон қурилмасининг ишга туширилиши — янги массив аҳолисининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

З. РУСТАМОВ,
инженер.

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

БУГУН

Ўзбекистон халқлари тарихи музейига келган томошабинлар қайта жиҳозланган «Ўзбекистоннинг қардошлик ва интернационал алоқалари» бўлими билан танишдилар.

Кўргазма Узбекистон ССРнинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланишига бағишланган қарор билан бошланади. Бу ердаги экспонатлар зилзила оқибатларини тугатишда мамлакатимизнинг барча республикалари Тошкентга берган ёрдам ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазмадаги барча экспонатлар Узбекистоннинг қардош республикалар ва хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларини кўрсатишга бағишланган.

Икки юздан ортиқ экспонат турли халқаро анжуманлар —Узбекистоннинг пахтачилик, соғлиқни сақлаш, ирригация, маориф соҳасидаги бой тажрибасини ўрганишга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш жойига айланган Тошкент шаҳри билан таништиради. Кўргазмадан Тошкентда анъанавий равишда ўтказилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Стендлардан бири Ўзбекистоннинг ривожланаётган мамлакатларга малакали кадрлар тайёрлашда кўрсатаётган катта ёрдами ҳақида ҳикоя қилади. Республикамизнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларига ҳам кенг ўрин берилган. Ҳозир Узбекистон жаҳондаги 70 мамлакат билан ана шундай алоқа боғлаган. Жаҳоннинг 117 мамлакати билан маданий алоқалар ўрнатилган. Кўргазмадан қардош республикаларнинг Узбекистонга юборган совғалари — вазалар, гиламлар, совға буюмлари, табрик хатлари муносиб жой олган. Халқлар дўстлигини намойиш этувчи ана шу залнинг қайтадан чиройли қилиб безатилиши музей коллективининг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги юбилейига муносиб туҳфаси бўлди.

Ҳ. СОДИҚОВ.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА ТУҲФА

Токарь Владимир Пронишчев ва пармаловчи Мунаррам Абжамилов «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-йигув-механика цехининг илғор ишчилари. Улар тайёрлайдиган деталлар мунтазам юқори сифатда қабул қилинади. Бу илғор ишчиларга фидокорона меҳнатлари учун «Коммунистик меҳнат зарбдори» номи берилган.

СУРАТДА: илғор ишчилар В. Пронишчев ва М. Абжамилов.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Боливия коммунистларини Боливия Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 30 йиллиги билан қизғин табриклайди.

● Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Борис Николаевич Пономаревни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих 11—16 январь кунлари Қозоғистон ССРда бўлди.

У бир қанча рангли металлургия корхоналарини бориб кўрди. Шарқий Қозоғистон ва Жезқозғон областларининг партия активи билан учрашди.

Республика рангли металлургия ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда В. И. Долгих нутқ сўзлади.

Кеча В. И. Долгих Москвага жўнаб кетди.

● 15—16 январь кунлари Москвада алоқа раҳбар ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлди. Кенгашда КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко нутқ сўзлади.

ИШЧИЛАР УЧУН

БУГУН

МУНИС КЎЧАСИДА БИР НЕЧТА КУРКАМ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ҚУРИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Тошкент чўтка фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига аталган бу биноларни Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 3-қурилиш трести 15-қурилиш бошқармасининг бинокорлари барпо этишди. Бошқарманинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қадар ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини бажаришга сўз берган Б. Нортоев ва Г. Тарасова бошлиқ бригадаларнинг аъзолари айниқса унумли иш олиб боришди.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Фарҳод ва Ғафур Ғулом кўчалари туташган жойда икки қаватли замонавий болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

280 кичкинтойга мўлжалланган бу объектни бунёд этишда «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 14-қурилиш бошқармасининг И. Тен бошлиқ комплекс бригадаси ибрат кўрсатди. Бригада қурувчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича иш юритаётганлиги туфайли план ва топшириқларини ошириб адо этишаётир.

Объектда пардоз ишларини Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг жилокорлари амалга оширишган.

Шунингдек, пойтахтимизнинг 3-Қорасув массивида ҳам янги болалар боғчаси қурилди.

телетайп лентасидан

● БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтини ривожлантириш планларида бу йил уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилади. Йил давомида аҳолига 17—18 минг квартира топширилади. Шаҳар транспорт тармоғини такомиллаштириш давом эттирилади. Метрополитен шимолжануб линиясининг янги участкаси ишга туширилиб, метронинг бошқа линияларини қуриш ҳам давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш, маориф, савдо-сотиқ соҳасидаги янги объектлар қуришга ҳам анчагина маблағ ажратилади.

● РИМ. Болгария шаҳарчасида (Тренто вилояти) Италия коммунистлари «Унита» газетасининг қишки фестивали очилди. Фестиваль программасига кўра, халқаро ва ички сиёсий аҳволнинг энг муҳим проблемалари юзасидан намойишлар, конференциялар ва мунозаралар ўтказилади, машҳур артистлар концертлар берадилар, спорт мусобақалари ва кинокўриклар бўлади.

Фестивалда қатнашиш учун Италиянинг турли районларидан Болгарияга 150 мингдан зиёд киши келди.

«УНИТА» газетасининг фестивали 10 кун давом этади.

● ДЕҲЛИ. Бомбай районида янги иссиқлик электростанцияси ток бера бошлади. Станция бу ердаги йирик давлат химия комплексини энергия билан таъминлайди. Буғ турбиналари Хардварда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган давлат оғир электр ускуналари заводида тайёрланган.

● НАЙРОБИ. Сейшел информация агентлигининг хабар беришича, сўнгги рўйхатга кўра, Сейшел Оролларида Республикасининг аҳолиси 62150 кишига етган.

● ЛА-ПАС. Бу ерда мамлакатнинг энг йирик касаба союз бирлашмаси — Боливия ишчилар марказининг кенгайтирилган миллий конференцияси ўз ишини тамомлади. 1 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган мазкур ташкилот конференциясида ҳукумат олдига мамлакат барча меҳнаткашларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабни қўйишга қарор қилинди.

Марказ ҳукуматдан иш ҳақининг янги кўчма шкаласини ишлаб чиқишни ва ҳукумат вакиллари билан Боливия ишчилар маркази вакилларидан иборат аралаш комиссия тузишни талаб қилди. Бу комиссия нарх-наво ва иш ҳақини назорат қилиб туради.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг энг катта шаҳри — Нью-Йоркнинг бюджетидаги камомат тўхтовсиз ортиб боравераді. Бир гуруҳ иқтисодчиларнинг бу ерда эълон қилинган маълумотномасида шундай таҳмин баён этилган. Матбуотнинг уқтириб ёзишича, Нью-Йоркнинг молиявий мушкулотлари чуқурлашуви шаҳар олдида қўйдаланг бўлиб турган ишсизлик, яшиоятчилик, уй-жой қурилишининг ва медицина таъминоти системасининг танглиги сингари муаммоларнинг жуда кескинлашувига олиб боради.

(ТАСС).

● ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЮКСАК САВИЯДА

Партия ўқуви ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида ўтказилаётган машғулотларни ҳаёт билан узвий боғлаб олиб боришга «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандистлари ҳам катта аҳамият беришяпти. Иқтисодий таълимнинг 33 та мактабида юзлаб тингловчилар ўз билимларини оширмоқдалар.

Тингловчиларнинг амалий топшириқларни бажаришлари, рефератлар тайёрлашлари, турли иқтисодий анализлар ва суҳбатлар ўтказиш сингари машғулот формаларидан кенг фойдаланиляпти. Масалан, 2-механика цехидан О. Юнусова, план бўлимидан Т. Кошкина, корхона ходими М. Погожева сингари тингловчилар тайёрлаган рефератлар ҳозирги пайтда қўллаб тингловчиларга қўл келяпти. Уларда ўтган машғулотларда олинган билимлар бирлашма коллективининг бултурги конкрет иқтисодий фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ҳар томонлама таҳлил этиб берилгани учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишда тингловчиларга ёрдам бермоқда.

МУСОБАҚАГА ЭЪТИБОР

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари бошланғич партия ташкилотларини коллектив ўртасида социалистик мусобақани ҳар томонлама кенг тус олдиришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга даъват этяпти. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия ташкилоти ҳам цех партия ташкилотларининг секретарлари ва партия группаларининг етакчилари билан ана шу борадаги ишларни кучайтиришга катта эътибор бермоқда.

Масалан, корхона партия комитети дизель ва тепловоз цехлари партия ташкилотларининг ана шу йўналишда олиб бораётган ишини кўриб чиқди. Н. Вождаев, К. Муродов ва бошқаларнинг бу ҳақдаги ахборотлари тингланди. Социалистик мусобақани янада авж олдиришда ҳалқ контролининг фаолиятини кучайтириш, иқтисод ва тежамкорлик юзасидан тез-тез рейдлар ўтказиб туриш ва бошқа тадбирларга муҳим эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Корхона партия комитети цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг янги сайланган етакчилари билан мунтазам амалий иш олиб бормоқда.

Шундай воқеалар бўладики, уларда бизнинг совет демократиясининг характери айниқса ўзининг ёркин ифодасини топади, ҳаётимизда амалга оширилаётган ишлар якуни кўзга яққол ташланади. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар шак-шубҳасиз худди ана шундай воқеаларнинг айнан ўзидир. Ҳар сафар биз унга тайёргарлик кўрар эканмиз, район аҳолисини амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар тўғрисида хабардор қиламиз, айниқса сайловчиларнинг таклиф ва истакларига диққат билан қулоқ берамиз. Чунки бизнинг планларимизда амалга оширилдиган ҳар бир масала омманинг қўллаб-қувватлаши билан бўлади, уни амалга ошириш ҳар бир меҳнат коллективидан юксак ташкилотчилик, интизомлилик ва активлиги талаб этади.

Кейинги икки ярим йил мобайнида район ижроия комитети ўтказган мажлисларнинг протоколларини бирма-бир кўздан кечирар эканман, уларда ой сайин район саноати, халқ хўжалиги топшириқларининг бажарилиш якунлари, унинг бюджети муҳокама этилганлигининг, уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, аҳолига медицина, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш, транспорт қатновини яхшилаш каби масалалар кўриб чиқилганлигининг гувоҳи бўламан. Ҳар бир масалани маҳаллий шароитда ҳал этиш, экономика, план ва мажбуриятлар, сайловчилар наказларининг бажарилиши билан узвий боғлиқдир. Бу масалалар изчиллик билан муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Масалан, район саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30 процентдан зиёд кўпайди. Бу йил эса, бу рақам яна 10 процентга ортади. Бу — план топшириқларининг муддатидан илгари бажарилиш ҳамда топшириққа қўшимча равишда саккиз миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш имконини беради. Кенг ҳалқ истеъмоли буюмларининг янги хилларини ўзлаштириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Районда капитал қурилиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Олдинги сайловлардан буён ўтган давр мобайнида районда маданий-маиший, савдо ва коммунал корхоналар комплекси мужассамлашган бешта янги уй-жой массиви қад ростлади. Тўртта янги мактаб, олтита болалар боғчаси ва кўплаб бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Якуновчи йилда қурувчилар олдида янада катта вазифалар турибди. Юз минг квадрат-метрга яқин — яъни, ўтган йилдагидан тўрт баравар кўп уй-жой қуриб, фойдаланишга топириш мўлжалланган. Шунингдек, битта мактаб ва иккита болалар боғчаси қуриб битказилади. Биз ана шу кўрсаткични янада яхшилаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфламоқдамиз. «Компрессор», «Миконд», дурадгорлик буюмлари заводлари, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси каби бир қатор корхоналар реконструкция қилинади. Тошкент медицина институтининг даволаш комплекси, Давлат университетининг илмий-тадқиқот лабораториялари қурилиши давом эттирилади.

Бизнинг социал ривожлантириш планимизда районни намунали районга айлантиришнинг асосли тадбирлари белгиланган. Шунинг учун ҳам йўл, тротуарлар қурилиши ва ободонлаштириш, аҳоли турар жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш каби ишлар ҳалқ депутатлари маҳаллий Советининг доимий диққат марказида турибди. Районда 12 та кичик хиёбон барпо этилди. 320 минг тупдан кўпроқ дарахт кўчатлари ўтқазилди, кўчалар транспорт бемалол қатнайдиган қилиб кенгайтирилди, 75 минг квадрат-метр ҳажмдаги кўчага асфальт ётқизилди, чўмилиш ҳавзаси бўлган аҳоли учун дам олиш зонаси бунёд этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина маҳаллий бюджетдан ободонлаштиришни н г турли хил ишларига 450 минг сўм, уй-жойлар ремонтига бир миллион сўм ажратилди.

Саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасаларда савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Депутатлар ўз ишлари, Советнинг иши тўғрисида сайлов округларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида ҳисобот бериб борадилар. Кишилар ўзларини қизиқтираётган масалалар ҳақида очиқ-ойдин гапирмоқдалар. Бу, Советнинг районнинг социал ва иқтисодий ривожлантириш планини амалга оширишдаги фаолиятини, меҳнаткашларни гоявий-сиёсий тарбиялашнинг, уларда гражданлик фаолиятини ривожлантириш н и н г амалий характери билан узвий равишда боғлаб олиб борётганлигидан гувоҳлик бермоқда. СССРнинг янги Конституцияси ҳамда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ёркин нутқида ҳам ана шу вазифалар таъкидланганидир.

М. ЗУФАРОВ.

Халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси.

• *Сайловдан — сайловгача*

ҲАР КУНИ БИР ЯНГИЛИК

24 ФЕВРАЛЬ—СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ТАЛАБГА МУВОФИҚ

Яқин атрофдаги кўчаларнинг аҳолисидан юздан кўпроқ киши Тошкент темирйўлчилари маданият саройи сайловчилар клубининг агитатори уюштирган учрашувга келди. Иқтисод фанлари кандидати Н. Н. Юсупов «Икки дунё экономикаси» мавзуида суҳбат ўтказди. «Билим» жамияти аъзолари ўз лекцияларини Афғонистондаги воқеаларга ва Яқин Шарқдаги аҳволга бағишладилар. Кеча қисқа метражли хроникал-ҳужжатлар фильмлар кўрсатиш билан тугади.

Халқаро аҳвол масалаларига оид кечалар, лекциялар, учрашувлар, оғзаки альманахлар сайловчиларнинг истак ва илтимосларига мувофиқ ўтказилмоқда. Олимлар, ўқитувчилар, «Билим» жамиятининг аъзолари ана шу тадбирларда қатнашишга жалб этилмоқда. Улар яқинда бу ерда очилган «Дунё сиёсий ҳаритаси олдида» номли лекторийни ҳам олиб борадилар.

ОТАЛИҚҚА ОЛИНДИ

Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти республика пойтахтининг Октябрь районида бир қанча маҳаллаларда жойлашган агитпунктларни оталиққа олди. Агитпунктларда маданий ишларни олиб бориш учун қариб 80 нафар тажрибали пропагандист ажратилди.

Кўпирарик, Ильич номли ва Октябрь 50 йиллиги номли маҳаллаларда КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларига бағишланган суҳбатлар ўтказилди.

Институт ўқитувчилари Камолон ва Зарафшон маҳаллаларида жойлашган агитпунктларда яқин кунлар ичида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида суҳбатлар ўтказишни мўлжаллаб қўйдилар.

Институт пропагандистларининг халқаро аҳвол ҳақида, Совет сайлов системаси тўғрисидаги лекциялари агитпунктларнинг программасига киритилди.

(ЎзТАГ).

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Тошкент тўқимачилик комбинатида очилган кинолекторий ана шундай деб аталади. Сарой ҳузурида доимо ишлаб турган агитпункт активлари ана шу лекторийни тузиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлдилар. Клуб программасида иқтисодий ва маданий қурилишда Советлар мамлакати эришган муваффақиятлар тўғрисида, партия ва ҳукуматнинг совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлиги ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли кинофильмларни кўрсатиш кўзда тутилган. Кино кўрсатиш олдидан пропагандист, санъатшунос суҳбати ўтказилади.



Клара Алимова узоқ йиллардан бери Тошкентдаги спорт товарлари фабрикасида самаралн меҳнат қилиб келади. Бу пешқадам ишчи шу кунларда беш йилликнинг охирги ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

СУРАТДА: К. Алимова иш устида.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

• *Беш йиллик вахтасида*

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ

Республикамиз механизаторлари учун қишлоқ хўжалиги машиналарида кенг қўлланиладиган турли хил подшипник маҳсулотлари ишлаб чиқараётган пойтахт подшипниклар ремонти заводининг меҳнатсевар коллективи беш йилликнинг охирги йили буюртмаларини шараф билан адо этишга киришди. Кўп йиллардан буён анъанавий ишчи-деҳқон дўстлиги рамзи бўлган «Ўроқ ва Болға» бирлигига содиқ қолиб келаётган корхона меҳнат аҳли шу кунларда улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини тобора авж олдирмоқда. Агар корхона цехларида бўлиб, бу ерда сидқидиллик билан меҳнат қилаётган ишчилар меҳнати билан яқиндан танишсангиз, ўз касбининг устаси бўлган пешқадам ишчилар, зарбдор коммунист ва комсомолларни кўплаб учратасиз. Улар орасида М. Маҳкамова, С. Федоренчик, К. Михайлова, Ш. Толипов, Е. Ханафилова, И. Нисличая кабилар бор. Бу ишчиларнинг кўпчилиги беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, ҳозирги пайтда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Корхона маҳсулотларининг асосий харидори бўлган «Узсельхозтехника» бу ерда тайёрланаётган подшипник маҳсулотларининг сифатидан беҳад ҳурсанд. Иши билан сўзи бир бўлган корхона меҳнат аҳли беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини ҳам муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган. Сиз мана бу фотолавҳаларда корхона роликлар тайёрлаш цехининг ёш токари (чапда) комсомол аъзоси Муслим Бобохоновни кўриб турибсиз. Бу ёш ишчи заводга бундан икки йил муқаддам 138-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, йўлланма билан келган; (ўнгда) шу цехга бундан уч йил аввал ўнинчи синфни тамомлаб ишга келган силлиқловчи, комсомол аъзоси Лобар Жўраева иш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

СИФАТГА — ИШЧИ КАФОЛАТИ

Наманган ёғ-экстракция заводининг тозаланган ёғи қуйилган шишаларда фахрий бешбурчак белгиси пайдо бўлди. Ёғ тозаловчилар «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» шиори остида ўтказаётган реконструкциянинг биринчи шарофати сифатида олий нав маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этилди. Кўпгина технология линияларидаги маънавий эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилди. Новаторларнинг таклифи билан ёғ-экстракция қурилмаси такомиллаштирилди. Эндн бу аппаратлар ҳар кеча-кундузда 420 тонна, яъни авваргидан 60 тонна кўп чигитни қайта ишламоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛГАН МАДАД

УЛАН-БАТОР. Монгол халқи бутун дунёдаги яхши ниятли кишилар билан қўшилиб, АҚШ, Хитой ва халқаро реакциянинг суверен Афғонистон ички ишларига қўпол аралашувини тўхтатишни талаб қилади. МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг аъзоси, Монголия хотин-қизлар комитетининг раиси С. Удвал Улан-Батор радиоси орқали сўзлаган нутқида шундай деб айтди.

Бутун прогрессив инсоният, деди Удвал хоним, афғон халқининг тарихида қийин, масъулиятли бир пайтда Совет Иттифоқининг унга мадад берганлигини табриклайди.

ҚАТЪИЙ ТАЛАБ

МАПУТУ. Жанубий Африкадаги Кап вилояти Африка меҳнаткашларининг янги қудратли ҳаракати майдонига айланди. Уолмер шаҳрида бўлиб ўтган намойиш қатнашчиларн ирқчилик тартиблари тугатилишини, меҳнатга ҳақ тўлашдаги камситиш бекор қилинишини талаб этдилар, Порт-Элизабет шаҳридаги автомобиль йиғув заводидаги иш ташлашга раҳбарлик қилган актив ишчиларни қамоққа олган ирқчи маъмурларнинг бедодлигини қораладилар. Намойишни тарқатиш учун полициянинг катта кучлари юборилди, улар қуролни ишга солдилар. Бир неча ишчи қаттиқ жароҳатланди.

Кейинги вақтларда Жанубий Африка Республикасининг деярли ҳамма йирик марказларида африкалик ишчиларнинг забастовкалари бўлиб ўтди. Юзлаб иш ташловчилар қамоққа олинди. Бироқ, жабр-зулмга қарамай, меҳнаткашлар турмуш шароитлари яхшиланишига, ўз касаба союзларини ташкил этиш ҳуқуқига эришишга қаттиқ бел боғлаганлар.

Ишсизлик африкалик ишчилар бошига тушган бало бўлди. Жанубий Африка Республикаси статистика бошқармасининг камайтириб кўрсатган маълумотларига қараганда ҳам ҳозирги вақтда ярим миллиондан ортиқ африкалик иш тополмай сарсон бўлиб юрибди. Ирқчиларнинг қонунларига биноан жуда кўпчилик африкаликларга ишсизлик юзасидан бериладиган нафақа олиш ҳуқуқи жорий этилмаслиги аҳволни баттар мушкуллаштирмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН УЙЛАР

ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида тўртта янги турар жой массиви барпо этила бошланди. Шаҳар меҳнаткашлари барча қулайликлари бўлган ўн беш мингта квартира оладилар. Уй-жой кварталлари ёнида мактаблар, поликлиникалар, маъмурий бинолар ва стадионлар қурилади. Комплекснинг биринчи тошини қўйиш тантанали маросимда ЖХДР президенти, миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари Шадли Бинжадид иштирок этди. Ҳозирги вақтда Константин, Оран, Аннабада ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам уй-жой қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

МУНОСИБ ЗАРБА

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина тинчлик кенгаши Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Вашингтон авж олдириб юборган ёлғончилик ва туҳмат кампаниясини қоралади. Империализм ва халқаро реакция кучлари, деб уқтириб ўтилади кенгашнинг баёнотида, шу мамлакатдаги аҳволни империалистик аралашувнинг қурбони бўлган афғон халқига Совет Иттифоқининг бераётган интернационал ёрдами моҳиятини бузиб кўрсатишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Улар халқаро кескинликни юмшатишни, СҚЧ—2 шартномасининг кучга киришини барбод этиш учун, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгашда қабул қилинган қарорларни йўққа чиқариш ва қуролланиш пойгасини кучайтириш учун ҳамма қораларни кўрмоқдалар, деб таъкидланади ҳужжатда.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДАМАШҚ. Бу ерда Араб Социалистик Уйғониш партияси янги составдаги регионал раҳбарлигининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Янги состав Араб Социалистик Уйғониш партиясининг 7-регионал конференциясида сайланган эди.

Шу мажлисда сўзга чиққан партия Марказий Комитетининг Бош секретари Хафиз Асад конференция қабул қилган қарорларни тезроқ бажариш учун энг кўп куч-ғайрат сарфлашга чақирди.

Мажлисда Араб Социалистик Уйғониш партияси регионал раҳбарлиги бош секретарининг ўринбосарлигига Зухайр Мушарк сайланди.

* * *

АНҚАРА. Бу йил Туркия мактабларида қишки каникул одатдан ташқари узоқ давом этади. 21 январда бошланган қишки каникул 10 февралда тугайди. Изгирин совуқ ва ёнилги таъминидаги қийинчиликлар муносабати билан миллий маориф министрлиги шундай қарорни чиқарди.

* * *

АММОН. Иорданиянинг «Алиа» авиакомпанияси ўтган йили 1 миллион пассажир ташиди. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Гандур компанияси правлениесининг раиси шу ҳақда хабар берди. Ҳозирги вақтда «Алиа» маркали самолётлар жаҳондаги 30 дан кўпроқ мамлакатнинг пойтахтларига учмоқда.

* * *

ТЕҲРОН. Собиқ шоҳ малайларидан 4 кишини отиб ўлдириш тўғрисида революцион трибунал чиқарган ҳукм Эроида ижро этилди. Эрон радиосининг хабар беришича, шоҳ гвардияси аъзоларидан 3 киши ва Эрон армиясининг собиқ офицери Эрон халқига қарши оғир жиноятлар қилишда, жумладан 1978 йил сентябрь ойида шоҳга қарши намойиш иштирокчиларини отиб ташлашда айбланади.

* * *

КОБУЛ. Афғонистоннинг шарқий вилояти пойтахти Тарун шаҳрида ярим қишлоқ хўжалик мактаби пойдеворини қуриш маросими бўлди. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш биринчи беш йиллик планида мана шундай 7 та махсус ўқув юртлари қуриш кўзда тутилади.

ПОЧТА ИТТИФОҚИ ТУЗИЛМОҚДА

ДОРУС-САЛОМ. Бизнинг кунларимизда Африкадаги бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга кўп ҳолларда фақат Лондон ёки Париж орқали қўнгироқ қилиш мумкин. Мустамлакачилик Африка давлатларига алоқа воситалари соҳасида мана шундай мерос қолдирди. Аруша шаҳрида ўтказилаётган конференция бундай ғайри табиий аҳволни абадий тугатиши лозим. Конференция Умумафрика почта иттифоқини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда. Қитъадаги кўпгина мамлакатларнинг делегатлари Африка халқлари ўртасидаги сунъий тўсиқларни бузиб ташлаш ғоят зарурлигини қайд этмоқдалар. Бундай тўсиқлар ривожланаётган ёш давлатлар тараққиётига ҳалақит қилмоқда.

Африка мамлакатлари, деди конференция очилишида сўзга чиққан Танзания бош министри Эдвард Сокоине, алоқа соҳасида собиқ метрополияларга анъанавий қарамликка барҳам беришлари керак.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ПОЧТА ҚУТИЛАРИ МУАММОСИ

«Ҳурматли редакция! Тракторсозлар массивининг 4-микрорайонида қурилиб фойдаланишга топширилган уйларга кўчиб ўтганимизга уч-тўрт ойдан ошяпти. Аммо ҳалигача бу уйларнинг кўпчилик нуқсонларидан қутула олмаяпмиз. Айниқса қурувчиларнинг подъездларга почта қутилари ўрнатишмагани кўп ташвиш туғдиряпти».

Тракторсозлар массивининг 4-микрорайони аҳолиси номидан Г. РУЗИЕТОВА ва бошқалар.

Ҳозир замонавий уй-жойлар фонди ўзида барча қулайликларни мужассамлантиради. Жумладан, бинолар атрофи ободонлаштирилган, болалар майдончалари жиҳозланган, ҳар бир подъезд ёритиш жиҳозлари ва почта қутилари билан таъминланган ҳолда қабул қилиб олиняпти. Агар бу қулайликлардан бирортаси бўлмаса, янги уйга кўчиб кирган аҳолига катта ташвиш туғдириши турган гап. Масалан, почта қутиларини олинг. Табиийки, ҳозир ҳар бир хонадон ўнлаб газета ва журналларга обуна. Почта қутиси бўлмаган 126 квартирали 9 қаватли уйга почтальоннинг газета-журнал ва хат-хабар тарқатиб юришини бир кўз олдингизга келтиринг-а. Ўз-ўзидан маълумки, почтальон юқори қаватлардаги квартираларга хат-хабар ва газета-журналларни тарқатиб улгурмайди. Бунинг устига лифтнинг ишламаслиги, ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги ишда бўлишини ҳам ҳисобга олсангиз аҳоли почта хизматидан бебаҳра бўлиб қолаётганлиги аниқ-равшан бўлади.

Хўш, бунинг учун ким айбдор? Почтальонларми ёки янги уйни қуриб, уни қатор нуқсонлари билан фойдаланишга топшириб, бошқа объектларга ўтиб кетаётган қурувчиларми? Аслида янги уйларга почта қутиларини ким ўрнатиши керак? Биз ана шу савол билан «Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатига қарашли 21-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Э. М. Вартазаровга мурожаат қилдик. Чунки бош пудратчи ҳисобланган бу бошқарма Ленин курсантлари кўчасидаги 12-уйни, Аҳмад Дониш проспектидаги 1 ва бошқа кўпгина тўққиз қаватли турар жой биноларини почта қутиларисиз фойдаланишга топширган.

— Бизни «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси почта қутилари билан таъминланмаяпти, — дейди 27-бошқарма бошлиғи. — Шунинг учун ҳам уни ўрната олмадик.

— Биз ҳеч қачон қурилиш ташкилотларини бундай материаллар билан таъминлаган эмасмиз. Бу билан асосий буюртмачи бўлган Капитал қурилиш Бош бошқармаси шуғулланиши керак, — дейди саноат корхоналари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. И. Рубенштейн.

Нихоят Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Капитал қурилиш Бош бошқармасининг қурилишларни жиҳозлар билан комплектлаш бошлиғи Н. Ф. Кузнецовга мурожаат қилдик.

— Тўғрисини айтганди, — деди у, — бош пудратчи ташкилот бу ҳақда ўйлаши, ҳар бир бино қўриладиганда ёрдамчи пудратчилар қатори почта ходимларини ҳам жалб этиши керак.

Бу жавоблардан кўриниб турибдики, пудратчи айбни таъминотчига, таъминотчи буюртмачига, буюртмачи эса яна пудратчига ағдариш билан масъулиятни ўз зиммаларидан соқит қилмоқчи бўлишяпти.

— Хўш, бу масалага почта ходимлари нима дер эканлар?

— Ҳозирга қадар барча янги уйлар фойдаланишга топширилаётганда почта абонент қутилари ҳам ўрнатилган бўларди, — дейди Тошкент шаҳар почта алоқалари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Т. М. Назаржонов, — қурилиш ташкилотлари объектлар учун зарур бўлган барча жиҳозларни қандай тартибда олсалар почта қутиларини ҳам шу тартибда олишарди. Аммо негадир кейинги пайтда Тракторсозлар массивининг 4-микрорайонида, Юнусободнинг «Шодлик» ва Аҳмад Дониш микрорайонларида, Сергелида қурилаётган турар жойлар почта қутиларисиз фойдаланишга топшириляпти. Баъзи қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари почта қутиларидан ёрдам қилишларимизни сўраб, бизга илтимос билан келишади. Лекин биз мавжуд почта қутиларини ремонт қилиш учун ҳам бундай фондга эга эмасмиз.

Шаҳарда 65 мингдан кўпроқ почта абонент қутилари мавжуд. Уларни ҳар йили ремонт қилиб туриш учун эса 6,5 мингдан ортиқ почта қутиси тақозо этилади. Аммо республика алоқа министрлиги 1975—1978 йиллар мобайнида шаҳар почта алоқалари бошқармасига бирорта ҳам бундай почта қутилари ажратгани йўқ. Фақатгина ўтган йили ремонт фонди учун минг дона почта қутиси берилди. Бу эса эҳтиёжнинг ўндан бир улушини ҳам қоплай олмаслиги аниқ. Худди шундай пайтда қурилиш ташкилотларининг баъзан почта қутилари ўрнатиш ишини алоқа ходимларига ағдараётганликлари, айримлари эса умуман бу ҳақда бош қотирмасдан осонликча бошқа объектларга ўтиб кетаётганликлари оддий почта қутиларини энг жиддий муаммолар даражасига чиқариб қўймоқда. Тўғри, баъзи қурилиш ташкилотлари, масалан, Уй-жой қурилиш трестига қарашли «Ташмосстрой» қурилиш бошқармаси раҳбарлари (бошлиғи Э. С. Давидянц) «Шодлик» микрорайонидаги баъзи уйларга почта қутилари ўрнатиш учун Киров район алоқа узелидан маблағ ўтказиш йўли билан ремонт фонди почта қутиларини олишга муваффақ бўлди. Ленин курсантлари кўчасидаги 12-уйни почта қутиси билан таъминлашда ҳам яна шу усулдан фойдаланишга мажбур бўлишди.

Аммо бу шаҳарда қурилиб ишга туширилаётган ўнлаб турар жойларни почта қутилари билан таъминлашда бирдан-бир йўл бўла олмайди. Шунинг учун ҳам Тракторсозлар массивининг 4-микрорайонида 159-трестнинг 8-бошқармаси қурган 52, 1-уйсозлик комбинатининг 26-бошқармаси қурган 8, 9, 40, 41-уйлар, Луначарское шоссесининг жанубий қисмида қад кўтарган ўнлаб турар жойлар, Сергели ва Юнусобод массивида қурилиб аҳоли кўчиб кирган кўплаб турар жой биноларн ҳамон почта қутиси билан таъминланмаётир. Натижада хат-хабарлар ва газета-журналлар ўз эгаларига етиб бормаяпти.

Биз 2-уйсозлик комбинатининг бош инженери А. В. Кильдюшевга ҳам нега қурар жойлар почта қутиларисиз фойдаланишга топширилаётганини сўрадик. А. В. Кильдюшев эса оддийгина қилиб:

— Бу почта ходимларининг иши, бизнинг вазифамиз эмас, — деб жавоб берди.

Бундай кайфиятга қатъий чек қўйиш керак.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳам қурилиш ташкилотлари ҳам алоқа бўлимларининг почта қутиларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш учун Тошкентдаги бирор корхона базасида шундай жиҳозлар тайёрлаб берадиган махсус цехлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу соҳадаги муаммолар оқилона ҳал этилган Ленинград, Москва ва бошқа шаҳарларнинг тажрибаси тошкентликлар учун ҳам катта қимматга эга. Бевосита қурилиш комбинатлари ва почта алоқалари ишлаб чиқариш бошқармаси базасида ҳам почта қутиларини турли хил арзон материаллардан тайёрлайдиган устаханалар очиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, хулоса қилиб айтиш мумкинки, шаҳар Капитал қурилиш Бош бошқармаси, «Главташкентстрой» ва республика Алоқа министрлиги раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари, муаммони кечиктирмай ҳал этиш учун ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

М. АБДУЛЛАЕВ.

«Тошкент оқшоми» мухбири.

Оила даврасида суҳбатлар

• *Педагог ўйлари*

ФАРЗАНД—ҲАЁТ ГУЛИ

Инсон ҳаётга пок келади. У улғайган сари одоб-ҳулқида турли одатлар, хислатлар ва фазилатлар туғила бошлайди. Оиладаги дастлабки тарбия боланинг келгусидаги хулқ-одобига замин яратади. Шу замин қанча одилона, пухта ва яхши бўлса, боладаги ижобий хислатлар камол топиб бораверади. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади, дейишади. Бола ёш ниҳолга ўхшаб қаёққа эгсанг—ўша ёққа қараб ўсади.

Бола—ҳаётимиз гули, унинг қалбини ҳам гулга ўхшатиш мумкин. У заррага ўзгариши: парвариш қилинса яшнаши, эътиборсиз қолдирилса, сўлиб, хунуклашиши табиий бир ҳолдир. Ота-она ўз ҳаёт гулини—фарзандини ғунчалик пайтидан чиниқтириши, тўғри тарбиянинг ҳар бир жараёнига тайёрлаши лозим. Болада биринчи навбатда ширинсуханликни барқарор этиш керак. Шу ширинсуханлик заминида бола қалбида одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат, оқибат мужассамлашсин. Бу хислат болага ёшлигидан сингдирилса, у тошга ёзилгандек узоқ сақланади ва одамларга нур сочиб туради.

Одатла гўдак бола тилга кирган биринчи кунларданоқ «шириин тили»ни ҳамма яхши кўриб қолади, уни ҳамма гапиртиргиси сўзлар ўргатиб айтиргиси келади. Шундай пайтда болага: «Ассалом алайкум», «Сизни яхши кўраман», «Катта раҳмат», «Опамлар яхшила», «Адам ҳам яхшила» каби ёқимли, самимий сўзларни ўргатиш айни муддао бўлади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, баъзи оилаларда катталар болага қараб: «Фалончини сўкиб қўй», «Фалончини бир сол», «Қани, полвон бўлсанг опангни йиғлат», деб қўполликни, ғайриитабиий одатларни ўргатишади. Бу ёмон одат кейинчалик бола қалбида куртак отиб, хунук хулқни келтириб чиқаради.

Болада ёшликдан ирода ва характер хислатларини таркиб топтириш ҳам тарбиянинг муҳим воситасидир. Маълумки, бола тайёр ирода билан туғилмайди. Ирода ҳаёт жараёнида астасекин таркиб топиб боради. Мактабгача тарбия ёшидаги даврда бола иродасини ривожлантиришда оила ва яқин-атрофдаги муҳит ғоят катта роль ўйнайди. Бола тилга кириши билан маълум даражада ўзининг характер хусусиятини кўрсата бошлайди. Боланинг хоҳиши, истаги ёки хатти-ҳаракати нотўғри бўлса, оиладаги катталар томонидан у тўғри йўлга солиниши лозим.

Оилада кичик ёшдаги бола кўрган нарсасини, ўзида йўқ ўйинчоқни олмоқчи бўлади. Унга стол устидаги пиёлани ёки сервант устидаги соатни олишга рухсат этилмаса ёки ўртоғининг қўлидаги ўйинчоғини олиш манъ этилса, бола йиғлаб, ғижиқлик қилишга ўтади. Бундай ҳолда ота-оналар болага нисбатан талабчан бўлиб, буюрган вазифаларини бола томонидан сўзсиз бажарилишига эришишлари айни муддао бўлади.

Биламизки, бола озқатланиб бўлгач, ўртоқлари билан ўйнагиси келиб қолади, бундай пайтда у буюрилган топшириқни бажаргиси келмайди. Лекин болани эркин қўйиб бўлмайди. Чунки бола енгилтакликка, бир ишни ташлаб, иккинчисини бошлашга, бошқача айтганда иродасизликка ўрганиб қолади.

Бола олти-етти ёшга етгандаёқ унда ирода ривожланиб, ёшига хос ишларни бажарадиган бўлади. Шунинг учун бола чарчаганини узоқ вақт билмайди, бир хилдаги машғулот билан кўп вақт шуғулланади, қийинчиликларга чидайди, қаноат қилади, зерикмайди. Мақсадга интилиш, мустақиллик, жасоратлилик, дадиллик каби фазилатларнинг мавжудлиги ирода кучидан дарак бера бошлайди. Лекин шуни унутмаслик керакки, болада ирода ва характер хислатларини тарбиялашда шошмашошарликка, ўта талабчанликка, қатъий мажбурийликка йўл қўймаслик керак. Бу хислатларни тарбиялашда боланинг характерига, ҳис-туйғуларига ҳам эътибор бериш лозим. Баъзан болага яхши сўз, илтимос таъсир қилмайди, бундай пайтда унинг ҳис-туйғусига таъсир қилувчи воситадан фойдаланиш керак бўлади. Шу ўринда Озода опа Мансуровнинг ўз ўғли Алишер ҳақида айтиб берган ҳикоясини келтираман.

«Ўғлим Алишер мактабга, биринчи синфга бораётганига уч ой бўлди. Эрталаб вақтли туриши қийин эди. Шу туфайли ўқитувчиси мени бир неча марта мактабга чақиртириб: «Ўғлингиз дарсга кўпинча кечикиб келади, ўқиши ҳам яхши эмас, иродаси жуда бўш» деб огоҳлантирди. Мен Алишерни ҳар куни эрта уйғотиб:

— Алишержон, тур ўғлим, чой ичиб, мактабингга тезроқ бор, —дердим. У эса кўрпага бурканиб:

— Яна озгина ухлай экан, болада ёшликдан ирода кучини тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, бу эътиборни мунтазам давом эттириш керак. Болада ирода кучини тарбиялашга ота-онада қатъий ишонч бўлса, бу мақсадга албатта эришилади.

Ота-она фарзандига ҳаётда қийинчиликсиз-ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, ҳар қандай қийинчиликни қунт-сабот билан, ҳалол меҳнат билан дадил енгиш мумкинлигини ўргатиши ҳам уларда ирода тарбиясини мустаҳкамлайди. Бола бирор ишга киришар экан, уни муваффақиятли бажарса роҳат қилиш ҳиссини тотиб кўрсин, уларни шунга ўргатиш ҳам қунт-сабот, ирода, меҳнатга муҳаббат туйғусини пайдо қилади.

Ота-она ва тарбиячилар ҳар бир ишни бажаришда болани шошма-шошарлик қилмасликка ўргатишлари керак. Қизиқмасдан, қўл учида — наридан-бери бажарилган иш яхши чиқмаслигини уларга тушунтиришлари, ҳамиша, ҳамма ерда ишни «аъло сифатли, пишиқ-пухта» бажаришга ундаш лозим. Мана бир мисол: Азим билан Карим картон қоғоздан самолёт макетини ясашмоқда. Азим қоғозни олиб ўлчов, буклов қисмларини пухта ўйлаб, диққат билан, шошилмасдан бажаряпти. Карим эса қоғозни наридан-бери буклаб, ўзича самолёт расмини чизди, кейин мақтана бошлади:

— Мен самолётни ясаб бўлдим, сен имиллаб ўтирибсан-а!..

—Ие, самолёт ҳам шунақа бўладими? — деб кулди Азим, — ҳатто чизган расмингни ҳам ўхшамайди-ку.

У ўзи ишлаган самолёт макетини кўрсатган эди. Карим анқайиб қолди. Чунки Азим қунт билан ишлаб, самолёт макетини жуда чиройли ясаган эди. Шундан кейин Карим пала-партиш иш тутганини, ҳар бир вазифани ўйлаб бажариш кераклигини тушунди...

Болага таъсир ўтказишда ҳаётий мисоллардан, кўргазмали қуроллардан ўз ўрнида фойдаланиш керак. Катталарга нисбатан болаларга таъсир ўтказиш ҳам осон, ҳам қийин. Шунинг учун осонки, болалар зийрак ва жуда таъсирчан бўладилар. Қийинлигининг ҳам сабаби аслида шу: болалар кўп нарсаларни билмай туриб, кўп нарсаларни сезадилар. Агар катталар бу ҳақда тез-тез бош қотирсалар, улар сўзсиз ўғил-қизларида яхши туйғуларни тарбиялайдилар.

Ҳа, инсон болаликдан бошланади. Айни шу болаликда инсон қалбига яхшилик уруғи ташланади. Ота-оналар болада ирода кучини, қунт-саботни, ширинсуханлик ва кўнгилчанликни, камтарликни тарбиялашар экан, дастлаб бунда ўзлари намуна бўлишлари лозим. Чунки, болалар кўпинча тақлид қиладилар, катталардан андоза оладилар.

Иродали, сабр-тоқатли бўлиш, ширинсуханлик ва камтарлик—кишига зебу-зийнатдир. Соддалик — тарбияда, ўзини тута билишда, кишиларга ҳурматда бўлишда, софдилликда, қаноатда ўзини кўрсатадиган баланд ахлоқий маданиятдир. «Ҳар бир одамда қандайдир дил тори бўлади,— деган эди ёзувчи М. Горький,— фақат шу торни топиб, ички чертиб юборилса бас, у кишидаги жамики яхши фазилатларни юзага чиқариб жаранглайди». Болаларни ёшлигиданоқ меҳнат фаолиятида камол топтириш, уларда мустақилликни тарбиялаш, шахсий тажрибасини бойитиш ва бу ишни доим тўғри ташкил қилиш оила учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам фойдалидир.

Муҳаббат РАСУЛЕВА,
Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

МОСКВА. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг янги павильонида мамлакатимиз колхоз ва совхозлари ёрдамчи саноат корхоналарининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма очилди. Унда кенг истеъмол буюмлари, совғалар, бадиий буюмлар, қурилиш материаллари, ускуналар намойиш этилмоқда.

СУРАТДА: «Пермоблмезонолхозлес» бирлашмасининг «Кама» фабрикаси ишлаб чиқараётган болалар мебели.

ТАСС фотохроникаси.

МЕҲМОН БИЛАН ҚУВОНЧ КЕЛАДИ

Зеболик қоидалари

Меҳмон кутган мезбон ўз оиласидаги камчиликлар, етишмовчиликлар, хафаликлар тўғрисида, касаллик ёки ўлим хусусида оғиз очмаслиги, хизматидан, қариндош-уруғ, ёру-биродарларидан нолимаслиги керак. Меҳмонлар ҳузурида оила аъзоларига озор бериш, эрхотин муноқаша қилишлари тўғри эмаслигини ҳали англаб етмаганлр, ҳам бор. Аксинча, мезбон ўзини жуда хушчақчақ тутиб, дилкашлик қилиб ўтириши зарур.

Чақирилган меҳмонлардан биронтаси келмай қолса, ундан гина қилмаслик, айниқса, ғийбатга ўрин йўқ.

Яна шуни айтиш керакки, меҳмоннинг муҳими ёки номуҳими, каттаси ёки кичиги бўлмайди. Меҳмоннинг фарқи фақат ёшига қараб аҳратилади: қарияси ва ёшроғи. Мезбоннинг эҳтироми барчага баробар бўлиши шарт. Лекин шуни айтиш керакки, ўрни келиб қолса меҳмоннинг мансабига эмас, ёшининг улуғлигига қараб алоҳида илтифот кўрсатиш мумкин. «Қари келса ошга — ёш келса ишга» мақоли амри билан иш тутишга тўғри келади. Аммо баъзи мезбонлар борки, меҳмонларнинг барчасига баробар хизмат қилмасдан, мавкеига қараб муносабатда бўладилар-у, бундайроқларга эътиборсизлик қиладилар. Бу одобдан эмас. Бу ҳолда энг яхши фазилат сероб қилиш билан обрў қозониб бўлмайди. Меъёр муайянлигини сақлаш билангина меҳмоннавозликни оқилона ўтказиш мумкин. Баъзилар ўзини «сахий» эканини билдириш мақсадида шундай қилишади. Йўқ, исрофчилик сахийлик эмас, балки маманлик нишонасидир.

Баъзан шундай ҳоллар бўладики, меҳмонлар дастурхонга қўйилган хилма-хил таомларни емай қўйишади, исроф кўпаяди. Бунинг сабаби нимада? Агар дастурхонга егуликлар қалаштириб ташланса, бир хил таом ҳазм бўлмасдан туриб, иккинчи хили келтирилса, дастурхондаги хўрак асбоблари ва тайёрланган жой покиза бўлмаса, дастурхон устида асабга тегадиган гаплар айтилса, меҳмонлар беҳузурланиб овқат емай қўядилар.

Меҳмондорчилик устида бирон бир камчилик сезилиб қолса, «ишда эдим, қўлим тегмади», деган баҳоналар билан ўзини «оқлаш» одобдан эмас. Меҳмон ҳузурида болалар шўхлик қилса, уларга танбеҳ бермаслик керак, меҳмоннинг изза-нафсига малол келиши мумкин.

Умуман, болаларни келган меҳмон билан кўришганларидан сўнг юмшоқлик билан четлатилгани маъқул, чунки ёш бола тутумсоқ бўлади, дастурхондаги нарсаларга чанг солади, хархаша қилади, натижада ширин суҳбатга халал етади, гурунгнинг файзи кетади.

К. МАҲМУДОВ.

ОИЛА ВА МАКТАБГА ЁРДАМ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи оталиқ қилаётган ҳамма мактабларда касб ўрганиш синфлари ва бурчаклари ташкил қилинди. Шу корхонада тузилган, оила ва мактабга кўмаклашувчи комиссия шу ҳақда ғамхўрлик қилди. Комиссия аъзолари болаларнинг ўқиши ва хулқини кузатиб борадилар, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини фойдали ўтказишга катта эътибор берадилар. Болалар учун турли тўгараклар ташкил қилинган бўлиб, уларга тажрибали мутахассислар раҳбарлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикадаги барча йирик корхоналарда оила ва мактабга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди.

[ЎзТАГ].

Азиз фарзандларимизнинг бахт-саодатли, соғлом ва бардам ўсишлари учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилган. «Ўзбекистон 15 йиллиги» санаторийсида болалар яйраб-яшнаб дам оладилар, даволанадилар, мазмунли ўйинлар ўтказадилар: китоб мутолаа қиладилар.

СУРАТДА: санаторийдаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари концерт кўрсатишмоқда.

И. Зиявутдинов фотоси.

● УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

СИРКА НЕГА ЛОЙҚАЛАНАДИ?

Сирка кислотаси эритмаси бутилкада узоқ сақланганда лойқаланади. Буига сабаб нима? Хўш, уни қандай сақлаш керак? Ошхонада, овқат учун ишлатиладиган сирканинг таркибидаги кислотанинг концентрацияси анча паст бўлиб, унда микроорганизмлар ривожланиши учун шароит бўлади. Ана шу микроорганизмларнинг баъзи бирлари кислотани яхши кўриб овқатланиш жараёнида уни сув ва карбонат ангидридга парчалайди. Натижада шунга ўхшаш микроорганизмларнинг кўпайиши натижасида сирка лойқаланади. Бунинг инсон саломатлиги учун хавфли жойи йўқ бўлсада, сирка кислотани бузилади.

Агар бузилиш дастлабки пайтда аниқлаб қолинса, унда бемалол олдини олса бўлади. Бунинг учун сирка тахминан 60 даража атрофида қиздирилса, лойқа ҳосил қилган микроорганизмлар бемалол нобуд бўлади. Кейин бутилкани иложи борича тўлдирилган ҳолда огзини мустаҳкам бекитиб сақлаш керак. Агар лойқа кўпайиб сирка анча қучли бузилган бўлса, одатда у ёқимсиз ҳидга эга бўлади.

А. ИКРОМОВ.
химия фанлари кандидати.

Янги ғазаллар

Ҳайдар ЯҲЁЕВ.

САЙЁРАЛАР

Кўзларинг инжусидан сочгайму зар сайёралар,
Ё кўзинг жодусидаму, бехабар сайёралар.
Не умиду, не ният кўз мардумнинг узра ниҳон,
Истагинг чексиз гулим—осмон қадар сайёралар.
Бир нигоҳ лол айлагай, ё бахш этур дунё қувонч,
Кўзларингму, севгидан бергай хабар сайёралар.
Кўзларинг ташлар нигоҳ қалбим тубига ногаҳон,
Қалбим обод бўлгуси солгач назар сайёралар.
Бўлгуси равшан муҳаббатдан жаҳонда бахт йўли,
Борки севги—кўзларингда жилвагар сайёралар.
Сўнмасин кўзларда асло, ишқ билан ёнган зиё,
Куйларин ёзгайки Яҳъё — бор агар сайёралар.

ГУЛДАН МИСОЛИНГ

Қадди камолинг,
Ё кўш ҳилолинг,
Жонимга пайванд,
Ҳар он висолинг;
Гул юзни кўрсам
Гулдан мисолинг,
Оташ бағишлар
Ул чеҳра олинг,
Оташки — севги
Ўтли жамолинг,
Лутфингда лаззат,
Сўзларму болинг.
Яҳъёки ёзса
Ҳусну—жамолинг,
Айт борму унга,
Жоним саволинг.

САБО ДЕСАМ КАМ

Лутфингни гулим,
наво десам кам.
Дардимга ани даво десам кам.
Орому-қарори дилки васлинг,
Сенсиз ани бенаво десам кам.
Йўқ эрса карамки — жон ризомас,
Жонимга дилингни жо десам кам.
Рафтору—қаддингни тавсиф этмоқ,
Едини майин сабо десам кам.
Ёдим—ила чеккан оҳларингни,
Жонимга зарур ҳаво десам кам.
Яҳъёку йўлингда зору-нолон
Менданки ўзинг ризо десам кам.

АЙЛАР ХИТОБ

Элтар кўнгил ёр ёнига,
Меҳру-вафо ошёнига,
Нурин сочур меҳмонига,
Дилдор юзидан офтоб.
Меҳмон эмас—жоним, — дея,
Орзуйи-армоним — дея,
Ҳар лаҳзаю, оним — дея,
Ёрим дили айлар хитоб.
Оромижон ёр нози ҳам,
Куйдай майин овози ҳам,
Ширин сухан эзози ҳам,
Қалбим уйнда минг китоб.
Келдим гулимни кўргали,
Қошида зор ўлтиргали,
Лаб очса ёр ҳол сўргали,
Бағримни ўртар изтироб.
Бу изтироб — бахтимни ё,
Ёрим сўзи — меҳри гиё,
Этгач зиром нозик адо,
Ишқимга мен топдим жавоб.
Севги — умрлар зийнати,
Оламда йўқдир қиймати,
Ҳам дилрабо холу-хати,
Яҳъёга бахтдир беҳисоб.

ҲАЁТБАХШ ЛАВҲАЛАР

Ҳужжатли кино жамиятимизнинг энг муҳим воқеаларини, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни ўзида акс эттираётган энг илғор, ҳозиржавоб санъат турларидандир. Узбекистон ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар студияси ҳам бу йўлда самарали иш олиб бормоқда. Чунончи ёш режиссёр, ВГИК студенти Юсуф Азимовнинг «Қишлоқ этажлари» деб номланган илмий-оммабоп фильмида ҳозирги маданий турмушимиз равнақи йўлида пайдо бўлган айрим муаммо ва қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилади. Аниқроғи, бутун диққат-эътибор қишлоқда уй-жой қуриш масаласига қаратилади ва ҳамма гап шу проблема атрофида айланади. Экранда «Коммунизм», «Политотдел», «Ленинизм» ва бошқа колхозларда қад кўтарган гўзал бинолар панорамаси намоён бўлади. Фильм авторлари барча қишлоқларда ҳам баланд-баланд турар жой бинолари қурилса ёмон бўлмас, деган фикрни илгари суришади. Бу проблема илмий асосда қандай ҳал этилаётганини кўрсатишади. Фильм Х. Жўраев сценарийси асосида суратга олинмоқда.

Режиссёр Баҳодир Музаффаров ишлаётган ҳужжатли фильмда эса ёшларимиз касб танлаш масаласини қандай ҳал этаётганликлари ўзига хос услубда кўрсатилади. Бўлажак картина «Ўз ўрнингни топ!» деб номланган. Унда монтажчи бинокор комсомол-ёшлар тўғрисида ҳикоя қилинади. 11-«Висотстрой» трестининг ана шу ишчилари Тошкент шаҳрида қад кўтараётган кино-концерт зали ва «Москва» меҳмонхонаси бинолари қурилишида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг орзу-истаги, иш фаолияти, романтикага бой ҳаёти кинолентада ўз аксини топади. Фильм В. Мельник сценарийси асосида оператор К. Ҳасанов томонидан суратга олинмоқда.

Режиссёр Т. Розиев, сценарийчи Т. Маҳмудов асари асосида суратга олаётган фильм ҳам ўзига хос фикр-мушоҳадаларни ўртага ташлайди. Картина «Рассом— А. Абдуллаев» деб аталади. Мазкур портрет— очеркда Узбекистон халқ рассоми А. Абдуллаевнинг ижодий ва ҳаёт йўли ўз аксини топади. Уста санъаткор мўйқаламига мансуб ранг-баранг полотнолар кинолентада намоён бўлади. Рассом барча жанрларда ҳам «қалам тебратган» бўлсада, унинг ижодий фаолиятида портрет жанри алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари, фильмда рассомчиликка оид баъзи масалалар хусусида фикр юритилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил ўтказиладиган Олимпиадага бағишлаб ўзбек ҳужжатчилари бир қатор фильмлар яратишади. Жумладан, Андрей Бородин сценарийси асосида «Корабайир» фильми суратга олинади. Бу ҳужжатли картина отлар ва от спорти билан шуғулланувчи довюрак, азамат йигитлар ҳақида ҳикоя қилади.

Шўнингдек, илмий-оммабоп фильмлари мухлислари учун «Ўрмон ва пахта» деган янги картина ишланади. Бўлажак фильмда ўрмонларни мухофаза этиш нечоғлик аҳамиятга молик экани илмий равишда исботлаб берилади. Айниқса, арча ва ёнғоқ дарахтларини кўпайтириш, асраш зарурлиги таъкидланади.

Ўйлаймизки, ўзбек санъаткорларининг янги ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлари юракларни ҳаяжонга соладиган таъсирчан киноасарлар бўлади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

АҚЛ ЧИРОҒИ

Ҳозирги замоннинг буюк алломалари —чинакам шоирлар ҳам.

Р. Роллан.

Қиттаккина шоирлиги бўлмаган одам ҳақиқий математик бўлолмайди.

К. Вейерштрас.

Агар инсон ўзини келажакнинг ёркин ва мукаммал оғушида тасаввур этолмаганида эди, агар у орзу қилишни билмаганида эди, у ҳолда ўша келажакни деб шунча машаққатли қурилишларни тиклашга, тинимсиз курраш олиб боришга, ҳатто ўз ҳаётини қурбон беришга уни ҳеч нима мажбур этолмаган бўлур эди.

Д. И. Писарев.

Олим биринчи навбатда ижодий ҳаёл сурриш қобилиятига эга бўлмоғи керак, ҳаёл худди санъатдаги каби фанда ҳам ғоят муҳим роль ўйнайди. Ҳаёл йўғилган материал устидаги машаққатли меҳнатдек зарур нарса. Ҳаёлсиз илмий иш факт ҳамда қуруқ, яланғоч ва кўпинча бенаф хулосаларнинг ортиқча қалашмасига ўхшаб қолади.

А. Е. Ферсман.

Агар инсондан орзу қилиш қобилияти олиб қўйилса, у ҳолда маданият, санъат фанни яратувчи энг кучли ҳиссий сабаблардан бири ҳамда ёркин истиқбол учун курашиш иштиёки йўқ бўлур эди.

К. Г. Паустовский.

Ҳақиқий олим—ҳаёлпарастдир, кимки ҳаёлпараст бўлмаса, у ўзини амалиётчи деб атайди.

О. Бальзак.

Ҳаёл сурмайдиган олим оёқда юрадиган яхшигина кутубхонага ва тирик изоҳномага ўхшайди, у ўзлаштирадию, лекин ўзи яратмайди.

Ф. Ю. Левинсон-Лессинг.

Олимлар ҳам худди рассомлардек ҳаёлпараст одамлар; улар ўз ғояларидан устун турмайдилар; улар фақат фикрлари етган, туйғуларини жалб этган нарса устидагина яхши ишлашлари, узоқ ишлашлари мумкин. Уларда ғоялар алмашиниб туради; мутлақо кутилмаган, кўпинча ақл бовар қилмайдиган фикрлар ҳам келади мияларига; у фикрлар кўмилиб, чарх уриб, чатишиб кетади, яраклайди. Олимлар ана шундай ғоялар ичида яшайдилар ва шу ғоялар учун ишлайдилар.

В. И. Вернадский.

Энг уста ва эпчил экспериментчилар ўз тасаввурларига тўла эркинлик берадилар ва бир-биридан мутлақо узоқ тушунчалар ўртасидаги алоқани қидириб топадилар. Гарчанд бу қиёслар кўпол ва ҳақиқатдан йироқ бўлган тақдирда ҳам, улар оқил-вазмин ва юраксиз донишмандлар ҳеч вақт ўйлаб тополмайдиган буюк ва муҳим кашфиётлар учун бахтли бир тасодифни юзага келтириб қўйиши мумкин.

Ж. Пристли.

Имкон борича кўпроқ орзу қилиш керак, келажакни бугунга айлантириш учун имкони борича кучлироқ орзу қилиш керак.

М. М. Пришвин.

Орзу инсон бахти ижодкори учун худди билим ёки ғоя сингари керакли қуролдир.

Л. М. Леонов.

Орзусиз одамнинг ақлини ҳеч нарса охиригача қўзғатолмайди.

Г. Гейлор.

Ақл ва ҳаёл билимларимизга бир хилда зарур ва фанда улар тенг ҳуқуққа эга.

Ю. Либих.

Ҳаётимизда, фан ва санъатда нимаики юксак ва гўзал нарса бўлса, жами ҳаёл ёрдамида ақл билан ва кўп нарсалар эса ақл ёрдамида ҳаёл билан яратилган. Дадил айтиш мумкинки, Коперник ҳам, Ньютон ҳам фанда эришган ютуқларни ҳаёлсиз сира қўлга киритолмаган бўлур эдилар.

Н. И. Пирогов.

Келажакни яратишга ҳеч нарса дадил орзулардек кўмаклашмайди. Бугун —ҳаёл, эртага—тан ва қонга сингади.

В. Гюго.

Одамлар иродаси ва тафаккури ҳақиқатга айлантиролмайдиган ҳаёл йўқ.

М. Горький.

Бемаъни ҳаёл бемаънилик туғдиради, ақлга уланса-чи, санъатнинг жони ва унинг нафосат манбаига айланади.

Ф. Гойя.

Ҳаёлнинг поёни йўқ, тафаккур кира олмаган жой йўқ, табиатни енгувчи техника қудратининг чеки йўқ.

А. Е. Ферсман.

Ҳаёл билимдан муҳимроқ.

А. Эйнштейн.

Ҳозирги замон фанининг мўъжизалари қадимий мифология мўъжизаларидан анча афзалроқдир.

Р. Эмерсон.

ТОС СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ж. БОҒБЕКОВ: Фабрикамизда яқинда штатлар қисқарди. Штат қисқарганда ишчини бошқа участкага ишга ўтказиш пайтида унинг розилигини олиш лозимми?

Жавоб: Корхоналарда ва муассасаларда штатлар қисқариши ҳақида маъмурият олдиндан касаба союз комитетини хабардор қилиши, бунда қисқарадиган штатлар, лавозимлар ва касблар кўрсатилиши шарт.

Ишда қолдиришда ишчи ва хизматчилардан қайси бирлари сийланадилар. Бу масалани ҳал этганда корхона, муассаса, ташкилотнинг ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиқиш лозим. Штатлар қисқариши — аппаратни ташкил этишнинг ва меҳнат самарадорлигини оширишнинг, шунингдек корхонада энг малакали кадрларни тўплашнинг воситаларидан биридир.

Меҳнат унумдорлиги ва малакаси бир хил бўлган шароитда қарамоғида иккита ва ундан ортиқ киши бўлган ишчи ва хизматчилар; бундан ташқари оилада ўзидан бошқа мустақил даромад топадиган кишилари бўлмаган ишчи ва хизматчилар; запасга ёки истеъфога чиққан офицерлар, институтларнинг кечки ва сиртқи бўлимлари студентлари ишда қолиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қарор топган касаба союз ва суд практикасига биноан меҳнаткашларнинг яна бир қатор тоифаси; Улуғ Ватан уруши инвалидлари, Совет Армиясидан демобилизация бўлгандан кейин ишга қабул қилинган кишилар (фақат офицерларгина эмас) ишда қолиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Маъмуриятнинг тушган шахсларни бошқа доимий ёки вақтинча ишга (албатта, уларнинг розилиги билан), агар шундай иш мазкур корхона ва муассасада бўлса, ўтказиш бўйича қонунда белгиланган бурчи муҳим аҳамиятга эга. Агар бундай иш мазкур муассасада бўлмаса, маъмурият ходимни бошқа корхонага ишга жойлаш бўйича актив чоралар кўриши лозим.

* * *

Ш. УМАРОВ: Нормаланган иш кунида шофёр графикдан ташқари ремонтда туриб қолса, шу кунги бир кунлик иши прогул ҳисобланадими?

Жавоб: Агар бекор туриб қолиш ишчининг айби билан бўлса, у прогул ҳисобланади ва иш ҳақи тўланмайди. Бекор туриб қолишда ишчи айбдор бўлмаса (электр энергия, хом ашё, эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли бекор туриб қолинса), ишчиларга вақтбай усулида ҳақ тўлаш тариф ставкасининг ярми миқдорида иш ҳақи тўланади.

Вақтбай усулида ва ишбай усулида ишлайдиган ишчилар учун ягона тариф ставкаси белгиланган саноат ва халқ хўжалиги соҳаларида бекор туриб қолиш ишчининг айби билан юз бермаса тариф ставкасининг 75 процентининг ярми миқдорида иш ҳақи тўланади. Шундай қилиб, қурилишдаги ишчиларга ёки автомобиль шофёрларга, бекор туриб қолиш уларнинг айби билан юз бермаса, ягона тариф ставкасининг 37,5 проценти миқдорида ҳақ тўланади.

* * *

О. ИҲЛДОШБОЕВА: Командировкага бориб келган ходимга ойликдан ташқари пул берилиши мумкинми? Агар берилса бу иш ҳақининг неча процентини ташкил этади?

Жавоб: Хизмат командировкаси дейилганда, ходимнинг маъмурият кўрсатмаси билан доимий иш жойидан бошқа ерга хизмат вазифасини бажаришга бориши тушунилади. Унинг доимий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланади, бундан ташқари суткалик пул берилади, ётоқхона ва йўлкира учун кетган харажатлари тўланади. Ходимга булардан бошқа пул берилмайди.

Физкультура ва спорт

Сўраган экансиз

АФИНАДА... МОСКВА

Ҳурматли редакция! Бу йил Москвада XXII Олимпиада ўйинлари бўлади. Илтимос, аввалги Олимпиада ўйинлари қачон ва қаерда бўлиб ўтганлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида маълумот берсангиз.

С. ОРИФЖОНОВА.

I Олимпиада ўйинлари 1896 йилнинг апрель ойида Афина шаҳрида бўлган. Ғолиблик учун бўлган беллашувларда ўн уч мамлакатдан 311 спортчи қатнашган. Қадимий анъанага кўра баҳсларни енгил атлетикачилар бошлаб берган. Бу спорт ва ҳамкорлик байрамига қизиқиш ниҳоятда катта бўлган. Уша пайтда Афинада истиқомат қиладиган 120 минг аҳолининг 80 мингги стадионга келиб беллашувларни томоша қилган.

II Олимпиада ўйинлари орадан тўрт йил ўтгандан кейин Париж шаҳрида бўлган. Бу сафар ҳал қилувчи беллашувларда йигирма бир мамлакатдан 1330 спортчи қатнашган.

III Олимпиада ўйинлари Америка Қўшма Штатларидаги Сент-Луис шаҳрида бўлган. Аслида Олимпиадани ташкил қилиш Чикаго шаҳрига топширилган эди. Кутилмаганда Бутунжаҳон виставкасини тайёрлаётган Сент-Луис шаҳри ҳокимлари фурсатдан фойдаланиб, Олимпиада ўйинларини ҳам ўтказиб юборамиз, деган фикрга келиб қолишди. Икки шаҳар ҳокимлари ўртасидаги бошланган жанжал президент Рузвельтнинг аралашуви билан ҳал бўлди. У Сент-Луисни ёқлади.

Вақт ўтиши билан Олимпиада ўйинларини ўтказиш тарафдорлари кўпайди. Узоқ муддатли тортишувлардан сўнг IV Олимпиада ўйинларини Рим шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Италияликлар зўр қизиқиш билан тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Ўйинларнинг бошланишига бир йил қолганда кутилмаганда улар айниб қолишди. Яъни Олимпиадани ташкил қилишдан бош тортишди. Бу олимпиаданинг ҳаракати тарихидаги энг қийин синов бўлди. Шунда англияликлар ўзига хос жасорат кўрсатиб, вазифани ўз зиммаларига олишди. Бир йил давомида Лондонда 100 минг томошабин сиғадиган «Уайт-Сити» стадиони қурилди. Унинг атрофи сузиш ҳавзаси, кураш заллари билан ўралди. Натижада IV Олимпиада ўйинлари белгиланган вақтда —1908 йилда ўтказилди.

1912 йилда Стокгольмда бўлган V Олимпиада ўйинларида Россиядан 78 спортчи қатнашди. Улар программага киритилган барча беллашувларда иштирок этишди. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам яхши натижа кўрсата олмади.

Шуни айтиш керакки, курашчилар ўртасида бўлган беллашувлар томошабинларда катта қизиқиш уйготган. Финалда ғолиблар соф ғалаба билан аниқланган. Шунинг учун ҳам баъзида беллашувлар 3—10 соат давом этган. Жумладан, россиялик полвон М. Клейн билан финляндиялик полвон А. Аскинен ўртасида Олимпиаданинг олтин медали учун бўлган беллашув 10 соат давом этган. Олишувда россиялик спортчи ғолиб чиққан.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан навбатдаги Олимпиада ўйинларини ўтказиш имкони бўлмаган. У Берлинда бўлиши керак эди.

1920 йилда Бельгиянинг Антверпен шаҳрида бўлган VII Олимпиада ўйинларига Совет Россияси спортчилари таклиф этилмади. Германия ва унинг биринчи жаҳон урушдаги иттифоқдошлари Халқаро Олимпиада комитетининг қарори билан ўйинларда қатнашишдан четлаштирилди. Ўйинларнинг расмий очилиш маросими 14 августда, ёпилиш маросими 29 августда бўлишига қарамасдан, спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар кейин ҳам давом этган.

1924 йилда замонавий олимпиада ҳаракатига 30 йил тўлиши ва Кубертэннинг бу соҳадаги катта хизматларини ҳисобга олиб, VIII Олимпиада ўйинларини ўтказиш яна Парижга топширилди. Бу сафар беллашувларда 44 мамлакатдан 3029 спортчи қатнашди. Фақат енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда 8 жаҳон, 14 Олимпиада рекорди янгиланган. Бу Олимпиада фақат иштирокчиларнигина эмас, томошабинларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Беллашувларни 625 минг 821 киши томоша қилган. 5,5 миллион франклик билет сотилган. Бу тушумнинг бир миллион 80 минг франки футбол томошабинларидан олинган.

Орадан тўрт йил ўтгандан кейин Нидерландиядаги Амстердам шаҳрида бўлган навбатдаги Олимпиада ўйинлари пайтида янги анъана вужудга келди. Нур тўпловчи ойна ёрдамида қуёш нури ёрдамида ёндирилган Олимпиада алангасини спортчилар Грециядан Нидерландияга кўтариб келишди. Ҳозирга қадар шу анъанага амал қилинмоқда.

1932 йилда Лос-Анжелесда, 1936 йилда Берлинда, 1948 йилда Лондонда бўлган X, XI ва XIV Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз спортчилари иштирок этишмади. Иккинчи жаҳон уруши туфайли XII ва XIII Олимпиада ўйинлари умуман ўтказилмади.

Спортчиларимизнинг дастлабки муваффақиятлари 1952 йилда Хельсинкида бўлган XV Олимпиада ўйинлари билан боғлиқ. СССР терма команда-си катта спорт анжуманида илк иштирок этишига қарамасдан норасмий хисобда Америка Қўшма Штатлари командаси билан тенг—494 очко тўплашга муваффақ бўлди.

1956 йилда Мельбурнда, 1960 йилда Римда, 1964 йилда Токиода, 1968 йилда Мехикода, 1972 йилда Мюнхенда, 1976 йилда Монреалда ўтказилган Олимпиада ўйинларида совет спортчилари жуда юксак натижалар кўрсатиб мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантириш учун тўкис шароит яратиб берилганлигини жаҳонга намойиш қилишди.

Д. ХОЛМИРЗАЕВ,
О. ОСТОНОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ҚОЛЛЕКТИВЛАРИДА

АНЪАНАНИ БОЙИТИБ

Агар Студентлар шаҳарчасидаги спорт павильонига боргудек бўлсангиз, турли спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Машқ қилаётганларнинг кўплари В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студентларидир. Физкультура кафедраси ва ўқув юрти физкультура совети томонидан ишлаб чиқилган беллашувлар ва машқлар планига қатъий амал қилиш студентларнинг маҳоратларини чархлашга омил бўлмоқда. Бунга эришилган натижаларни мисол келтириш мумкин.

Баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган «Университет» командаси ўйинларида жиддий сифат ўзгариши юз берди. Ҳимояда йигинчоқлик билан ўйнаш, кутилмаганда ҳужум уюштиришнинг ҳадисини мукаммал эгаллаб олган йигитлар биринчи даврани якка пешқадам сифатида якунладилар. Улар айни пайтда олий лигага чиқиш учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ўтган йили университет спортчилари мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ беллашувларида муваффақиятли қатнашдилар. Улар умумий ҳисобда фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Ҳуқуқшунослик факультетининг учинчи курс студенти Б. Боков Олмаота шаҳрида классик кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда кумуш медаль билан тақдирланди.

Шуни айтиш керакки, республика, мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда спортчиларнинг яхши натижа кўрсатишларига ўқув юртида амалга оширилаётган тадбирлар катта фойда беряпти. Бу ерда факультетлар, группалар ўртасида беллашувлар, спартакиадалар ўтказиш анъана бўлиб қолган. Ўтган ўқув йилида бўлган XVIII университет спартакиадаси ҳамма учун маҳорат синови бўлди.

Университет физкультура коллективи Олимпиада йилида амалга ошириладиган ишлари режалаштириб олди. Яъни 17 спорт мастери, 11 спорт мастерлигига кандидат, 88 биринчи разрядли спортчи, 650 жамоатчи судья тайёрлаш белгилаб қўйилди. Қисқаси, пойтахтимиздаги энг кекса олий ўқув юрти студентлари Собир Рўзиев сингари машҳур спортчиларнинг анъанасини янада бойитиш ниятида тинмай машқ қилишяпти, турли беллашувларда қатнашиб маҳоратларини оширишмоқда.

Д. ХОЛМИРЗАЕВ,
О. ОСТОНОВ.

«Пахтакор» стадиони қошидаги шаҳар шахмат-шашка клуби доимо ишқибозлар билан гавжум бўлади. Шахматчилар бу ерда ўтказиладиган турли хил мусобақаларда фаол қатнашиб, ўз маҳоратларини ошира боришади.

СУРАТДА: шаҳар ёш шахматчилари навбатдаги мусобақада.

М. Нуриддинов фотоси.

Мусобақалар хроникаси

Тошкент тўқимачилик комбинатининг Олимпиада йилидаги спорт календари мусобақаларга жуда бой. «Текстильщик» спорт клуби раҳбарлари бу йил ўнлаб спартакиада ва мусобақалар ташкил қилишади. Бу беллашувларда ишчи ва хизматчилар, уларнинг оила аъзолари иштирок этадилар. Куни кеча бошланган фабрикалар физкультура коллективлари ўртасидаги қишки спартакиада беллашувлари шу йилдаги дастлабки йирик мусобақадир.

Бу спартакиаданинг биринчи босқич беллашувларида 2500 дан зиёд тўқимачи иштирок этади. Улар шахмат ва шашка, стол тенниси, волейбол ва чангида учиш бўйича ўтказиладиган беллашувларда қатнашадилар. Мусобақалар фабрикалардаги қизил бурчакларда, комбинатга қарашли фабрика-завод билим юрти спорт залида, «Текстильщик» стадионида бўлади.

Спартакиада «Олимпиада йили стартлари ҳамма учун» шиори остида ўтмоқда.

* * *

Ўзбекистон шахматчилари янги спорт мавсумини очдилар. Республика шахмат-шашка клубида 106 шахматчи Тошкент чемпиони унвони учун беллашувга киришди. Швейцария системасида тўққиз учрашув билан ўтаётган шахсий мусобақалар натижасига кўра энг яхши спортчилардан олти киши республика чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Уч учрашувдан сўнг 9 шахматчидан иборат пешқадамлар группаси уч очкодан тўплаб олдинда бормоқда. Улар орасида шаҳарнинг ўтган йилги чемпиони В. Шлухин ҳам, шунингдек тошкентлик ўқувчи қиз 16 яшар Ж. Лисенкова ҳам бор.

* * *

Одессада ўтказилган Ленинграднинг «Автомобилист» билан Москванинг МАСК командалари ўртасидаги беллашув эркаклар командалари ўртасида мамлакат волейбол чемпионати иккинчи турининг марказий воқеаси бўлди. Рақиблар ўртасидаги кураш жуда кескин борди, лекин ленинградликлар барибир москваликларга қарши тураолмадилар ва 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Бу «Автомобилист» командасининг биринчи мағлубиятидир.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Звезда» (Ворошиловград)— Москва олий техника билим юрти (МВТУ)—3:0, «Локомотив» (Харьков) — «Радиотехник» (Рига) —0:3.



МУХЛИСЛАР МАМНУН

Волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган аёллар командалари иккинчи тур ўйинларини ниҳоясига етказишди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари Москвадаги группада куч синашдилар. Ҳамшаҳарларимиз бу ерда ўтказилган уч учрашувни ҳам ғалаба билан якунладилар. Яна бир команда Калининград группасида қатнашган мамлакат чемпиони Свердловск шаҳрининг «Уралочка» командаси қизлари ҳам ана шундай натижа кўрсатишди. Бу турда ҳамшаҳарларимизнинг ўйинида кескин ўзгариш бўлганлиги кўзга яққол ташланди.

Маълумки, «Автомобилист» биринчи даврада етти ўйин ўтказиб фақат икки очко тўплаган эди. Бу сафар эса 100 процентли натижага эришилди. Ишончимиз комилки, волейболчи қизларимиз Тошкентда бўладиган навбатдаги тур учрашувларини ҳам ана шундай ҳужжмкор савияда ўтказишади.

СУРАТДА: (чапда) майдонда «Автомобилист» командаси.

А. Жданов ва М. Нуритдинов фотолари.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР ҚИШКИ КЎРИГИ

Тошкентда «Ёшлик» манежи соврини учун катта ёшдаги спортчилар ўртасида енгил атлетика бўйича анъанавий турнир ниҳоясига етди. Бу турнир мамлакатнинг қишки чемпионатига, шунингдек иттифоқ миқёсида ўтказиладиган енгил атлетика мусобақалари туркумига ўзига хос тайёргарлик бўлди. «Ёшлик» манежида ўтказиладиган қишки мусобақалар ҳамиша кўплаб енгил атлетика ҳаваскорларини ўзига жалб этади. Худди мана шундай турнирларда спортчининг янги мавсумга тайёрлиги текширилади. Бу сафар спорт аренасидаги кўрикка республикадаги барча кўнгилли спорт жамиятлари ва идоралари вакилларидан 253 спортчи қатнашди.

Студентларнинг «Буревестник» командаси ҳаммадан моҳир эканлигини кўрсатди: командага умумий ҳисобда қозонилган ғалаба учун кўчма соврин топширилди. «Меҳнат» ва «Спартак» енгил атлетикачилари турнир жадвалида иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Чирчиқнинг «Меҳнат» командаси аъзолари ядро иргитишда биринчиликни қўлга киритдилар. Григорий Скориков 18 метр 29 сантиметрга ва Роза Рюмина 16 метр 48 сантиметрга ядро улоқтирдилар. Уларнинг командадоши Константин Иванов 69 метр 12 сантиметрга найза улоқтирди. Тошкентлик спартакчи Абдурамон Ибрагимов фахрий шоҳсупанинг юқори поғонасига икки марта кўтарилди: У 3 минг ва 5 минг метр масофага югуришда биринчиликни олди. Фарғоналик студент Олим Сафаров 100 метрлик масофани 10,8 секундда югуриб ўтиб, ғалаба қозонди.

Енгил атлетикачилар энди СССР кубоги учун ярим финал мусобақаларда қатнашадилар.

[ЎзТАГ].

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 17/I да **Анда**, 18/I да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Қалби олов**, 18/I да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/I да **Тўйдан олдин томоша**, 18/I да **Тўйдан олдин томоша**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Ҳинд филлари» йирик совет аттракционининг хайрлашув гастроллари (19.30).

КИНО

17 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН КУЗГА КЕЛАСАН»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«АСРЛАРГА ТЕНГ ИЎЛ»— **Москва.**

«ДНЕПР БЎЙИ ЧИРОҚЛАРИ» — **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕҲУДА УРИНИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59), **К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ» — **Восток** (кичик зал, жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

18 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН КУЗГА КЕЛАСАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«АСРЛАРГА ТЕНГ ИЎЛ» — **Москва.**

«ДНЕПРБЎЙИ ЧИРОҚЛАРИ» — **Фестиваль.**

«ЭФИР ПОСВОНЛАРИ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕҲУДА УРИНИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59), **К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАЙҒУМ МЕНИНГ» — **Восток** (кичик зал, жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
17, 18, 19, 20 январда
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
АНАТОЛИЙ КОРНИЛОВ
раҳбарлигидаги
«ҲИНД ФИЛЛАРИ»
АТТРАКЦИОНИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ
Билетлар сотилмоқда.

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ЎРТА ОСИЕНИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ: САМАРҚАНД, БУХОРО, ХИВА БИЛАН ТАНИШИШНИ ИСТАГАНЛАРНИ

«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА
САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ—БУХОРО— САМАРҚАНД —ТОШКЕНТ —25 — 28 январь, 1 —4 февраль, 15 —18 февраль, 29 февраль, —3 март, 7— 10 март. Путёвка баҳоси —46 сўм.

ТОШКЕНТ—УРГАНЧ—БУХОРО— САМАРҚАНД —6 — 11 февраль. Путёвка баҳоси 68 сўм.

Путёвка баҳосига купели вагонларда бориш-келиш, овқатланиш ва шаҳарларда кўрсатиладиган туристик-экскурсион хизмат ҳақлари киради.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ

Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб самолётларда саёҳат қилишни таклиф қилади

ҲОЗИРГИ КУНДА 1 КВАРТАЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА ПУТЕВКАЛАР СОТИЛМОҚДА.

ЛЕНИНГРАД —ВИЛЬНЮС— 9 февраль, 7 мартдан 14 кунга. Путёвка баҳоси— 242 сўм.

ПЯРНУГА— 9 февраль, 11 мартдан 10 кунга. Путёвка баҳоси— 202 сўм.

СОЧИГА— 10 —31 мартдан 20 кунга. Путёвка баҳоси 242 сўм.

СМОЛЕНСК — «СОКОЛЬЯ ГОРА» туристик базасига — 3 —23 февралдан 20 кунга. Путёвка баҳоси— 256 сўм.

ЛЕНИНГРАД (Сестрорецк)га— 17 февралдан 10 кунга. Путёвка баҳоси— 184 сўм.

КИСЛОВОДСКГА— 16 мартдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 210 сўм.

НОВИЙ АФОНГА — 5—26 февралдан 20 кунга. Путёвка баҳоси —193 сўм.

РАДВИЛИШКИС — ПАЛАНГАГА —19 февраль—30 мартдан 14 кунга. Путёвка баҳоси— 260 сўм.

КУЙБИШЕВ — «ДУБКИ» туристик базасига — 17 мартдан 15 кунга. Путёвка баҳоси —170 сўм.

ЛЕНИНГРАД — ТАРТУГА —24 мартдан 13 кунга. Путёвка баҳоси —213 сўм.

Путёвка баҳосига самолётда икки томонга бориб келиш, овқатланиш, яшаш ва экскурсия хизмати ҳақлари киради.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-18, 39-13-59.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, ҚУРИЛИШЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ ҚОШИДАГИ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ШАҲАР БЮРОСИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1970 йил 26 июндаги қарори ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йил 23 декабрдаги 809-сон қарорини амалга ошириш юзасидан шуни маълум қиладики, аҳолини ишга жойлаштириш марказий ва район пунктлари ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга бўлган эҳтиёжлар ҳақида аҳолини хабардор қилиб боришни ташкил этиш юзасидан

1980 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗМОҚДА

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗМАГАН КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР БЮРО ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНМАЙДИЛАР. ЧУНКИ ИШЧИ КАДРЛАР, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЕЖ ҲАҚИДАГИ БАРЧА ИНФОРМАЦИЯ-СПРАВКА ИШЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИДАГИНА МАРКАЗЛАШГАН.

ШАРТНОМА ТУЗИШ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт—Пролетар кўчаси, 4-уй. 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти —У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти —Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти—22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти—район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Совет сайлов системаси—дунёдаги энг демократик системадир». 20.05 «РСФСР да хизмат кўрсатган артист О. Эрдели (арфа) чалади. «Экран». 20.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 3-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.35 «Апельсин» вокал-чолгу ансамбли ижро этади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Эллерхейн». Болалар учун фильм-концерт. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.15 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». «Федюшининг ҳаракатери шундай» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Шингнинг мовий маржони». Телефильм. 20.00 «Нафосат» оламида. «Сайёр-рассомлар» 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёш овозлар». Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Бухоро область Конимех райони чорвадорлари ҳузурида. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия. (рус.). 23.35 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)—« Калев» (Таллин). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Абитуриентлар учун Математика. 19.40 Шифокор экрани. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.) 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

18 ЯНВАРЬ — ЖУМА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Ёшлар ижоди». 10.35 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 3-серия. 11.40 «Халқ чолгу асбоблари овози». Баян. Кўрсатув тугагач (12.25)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР да соғлиқни сақлаш ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси: «Тақдир чизиқлари» (Куйбишев). «Соғлиқ ҳақидаги диалоглар» («Центрнаучфильм»). «Адресни ёзиб олинг» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 16.20 «Таржима санъати». Совет адабиёти таржимонларининг V Халқаро конференцияси ҳақида. 17.00 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 17.45 «Москва комсомолининг ишлари». 18.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Кийилган туфличалар». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР). РСФСР халқ артисти В. М. Леонтьевнинг кириш сўзи билан бошланади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ ижодиёти». Телевизион шарҳ. 20.15 «Сайловдан—сайловгача». 20.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 4-серия. 21,30 «Время» информацион программаси. 22.05 Санъат усталарининг концерти. Кўрсатув тугагач (23.45)— «Дунё воқеалари», Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг чоғиштирма-анатомик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Лариска лақабли тулки хазина қидиргани ҳақида», «Петя лақабли қуён дўстлари билан хайрлашди». Кўғирчоқ фильмлар. 12.30 «Эволюциянинг чоғиштирма-анатомик далиллари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. (рус.). 13.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари» 13.30 «Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бўёқлар ўгриси» Мультфильм. 18.40 «Меҳнаткашлар дам олишига давлат ғамхўрлиги» (рус.). 19.10 «Илғор тажриба мактаби». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Тош, дарахт, металл». Телефильм. 20.00 «Оламда нима ғап?» Халқаро воқеалар шарҳи 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 И. О. Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.20 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)— «Автомобилист» (Грозний). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган).

Тошкент политехника институти **Қосимова Лолахон** исмига берган 144601-ДИПЛОМ йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНДИ**

4 бет Тошкент оқшоми

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ». («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

17 ЯНВАРЬ, 1980 й. Р—07032. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64582 Нашр Б—2028.